*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 55 (9291). ● 1988 йил 19 март ● Баҳоси 3 тийин.

**ШАНБА СОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

17 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясини муносиб кутиб олиш юзасидан меҳнат коллективлари ҳамда ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Марказий Комитет Бюроси саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа, республика агросаноат комплекси меҳнат коллективлари ҳамда ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, область партия комитетларига, министрликлар, идораларга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетига, область касаба союз советлари ва республика Касаба союз комитетларига, область комсомол комитетларига партия конференциясини кутиб олиш юзасидан ватанпарварлик ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантириш борасида меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва оммавий-агитация ишларини кенг авж олдириб юборишни топширди.

Шунга алоҳида эътибор қаратилдики, социалистик

(Давоми 2-бетда).










✦ ЭРТАГА УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

**АҲОЛИНИНГ** йил сайин ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат корхоналари ходимлари мунтазам ижодий изланмоқдалар, янги хизмат турларини таклиф этмоқдалар. Жумладан, ўтган йили аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг 58 та янги тури жорий этилди. Бу янги объектларда модали кўйлаклар, болаларнинг ёзлик чарм пойабзаллари, тикув машинасида гул босилган буюмлар, ёғочда ва чинида акс эттирилган фотопортретлар тайёрланиб аҳолига реализация қилинмоқда.

Бугунги кунда маиший хизмат кўрсатиш суръати 7,4 процент ўсди, аҳолига 2,5 миллион сўмлик қўшимча хизмат кўрсатилди.

Хизмат соҳаси ходимлари ўз байрамлари арафасида областнинг кўпгина шаҳар ва районларида янги объектларни ишга туширдилар.

● **СУРАТЛАРДА:** (юқорида) Калинин районидаги Ўртаовул посёлкасида ишга туширилган янги маиший хизмат уйининг умумий кўриниши; хизмат уйи ходими Т. Хошимова мижоздан буюртма қабул қилмоқда; (ўнгда юқоридан) усталардан В. Чернов билан Ж. Алимбеков телевизор тузатмоқдалар; бичиқчи Т. Терехина буюртма олаётир; Янгийўл шаҳар коммунал хўжалиги бошқармасининг гул етиштириш комбинати хизматидан аҳоли мамнун; комбинат ходимларидан Р. Исломова, Ғ. Тожибоев ва катта агроном А. Холматовлар.

А. Зуфаров фотолари.





### *ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ*

**ЦЕХНИ ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН ҚУРДИЛАР**

● **ОКТЯБРЬ** революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи янги цехи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бўлди. Бу ерда ишчилар корхонада олиб борилаётган реконструкция натижасида бўшаб қолган эски корпусни ўз кучлари билан қайта жиҳозладилар. Ҳозирги вақтда 600 квадрат метрга яқин жойни эгалловчи бу янги цех учун савдо ходимлари билан маслаҳатлашиб маҳсулот турлари танланмоқда.

**КОМБИНАТ ТЕПЛИЦАСИДА — ПИШИҚЧИЛИК**

✦ **ОЛМАЛИҚ** кон-металлургия комбинати теплица хўжалигидан ишчилар ошхоналарига дастлабки цитрус ўсимликлари ҳосили жўнатилди. Бу йил кончилар плёнка остида 60 тоннадан кўпроқ янги сабзавотлар етиштиришни ҳам планлаштириб қўйганлар. 8 Март байрами арафасида комбинатдаги барча хотин-қизларга парникдан янги узилган ранг-баранг чинни гуллар совға қилинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати теплицаси майдони бир гектар ерни ташкил этади.

**«РЕМОНТНИК» — ХИЗМАТИНГИЗДА**

● **ЧИРЧИҚДАГИ** 1-ремонт қурилиш бошқармаси ҳузурида очилган янги кооператив аъзолари уйингизга паркет ётқизиб беришлари, кафель плиталари билан чиройли қилиб безашлари, деворларга гул қоғозлар ёпиштириб, оғирингизни енгил қилишлари мумкин. Республиканинг ана шу саноат марказида ҳозирги вақтда 50 та кооператив ишлаб турибди. Уларнинг фаолият доираси кенг — мураккаб уй-рўзғор техникаси ремонтидан тортиб зарарли ҳашаротларга қарши курашда ҳаваскор боғбонларга ёрдам беришгача ҳамма хизматларни кўрсатишлари мумкин.

(ЎзТАГ).

# СССР—ЮСФР: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

## М. С. Горбачевнинг Югославияда бўлиши

ЛЮБЛЯНА, 17 март. (ТАСС махсус мухбирлари). Югославияда халқ ҳокимияти йилларида юз берган иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг кўламлари «Искра» бирлашмаси мисолида яққол кўриниб турибди. Бугун М. С. Горбачевнинг ЮСФРда бўлишининг тўртинчи кунининг амалий программаси ана шу бирлашма ишлаб чиқариши билан танишишдан, ишчилар ва мутахассислар билан учрашувдан бошланди. Бирлашма қирқ йиллик тараққиёт давомида электр чироқлари ишлаб чиқаришдан қудратли электрон ҳисоблаш машиналари, лазер ва оптика—электрон техникаси ишлаб чиқаришгача бўлган йўлни босиб ўтди. СССР «Искра» маҳсулотларини харид қиладиган энг катта мамлакатдир. Совет шериклари билан илмий-техникавий ҳамкорлик савдо алоқаларини янада кенгайтирмоқда.

Бош директор Ф. Шифкович бирлашманинг 36 минг меҳнатчиси номидан Бош секретарни самимий табриклади. Ўртоқ Горбачев, Сизнинг визитингиз «Искра» билан совет корхоналари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга кучли омил бахш этади. Ишчиларимиз Сизнинг Совет Иттифоқида қайта қуриш давомида ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган масъулиятли фаолиятингизда катта-катта муваффақиятлар тилайдилар.

М. С. Горбачев ишчилар, мутахассислар билан суҳбат чоғида хўжалик проблемалари ва социал проблемаларни ҳал этиш самарадорлиги масалалари билан, социалистик ўз-ўзини бошқариш механизмининг қандай амал қилаётганлиги, совет шериклари билан алоқаларни ривожлантириш хусусида қизиқди.

Бизда «Искра» бирлашмаси коллективи учун, деди у, кўлами энг катта таклифлар бўлиши мумкин, сизлар буни уддалашларингиз кифоя. Бу ҳақда мен шунинг учун ҳам гапираяпманки, ҳозир мамлакатимизда Ватан машинасозлиги модернизация қилинмоқда. Бизда микроэлектроника йилига 20—25 процент ўсиб бораётганига қарамай, биз уни юксалтиришдан манфаатдормиз. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида бир неча электроника марказлари қуришга аҳд қилдик. Шу жиҳатдан биз ҳақиқатан ҳам олға қадам ташлашимиз зарур. Зотан, бизда илмий ишланмалар мавжуд, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Қисқасини айтганда, сизларни биз ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Биз Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, деди Ф. Шифкович. Ҳозир ҳам биз совет корхоналари билан самарали алоқа ўрнатганмиз, СССРдаги касбдошларимиз билан тез-тез учрашиб турамиз. Аммо Сиз мутлақо ҳақлисиз: амалий алоқаларни ривожлантириш керак, чунки бундай алоқалар ўзаро манфаатли бўлиб, у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам манфаатларига мос келади.

**М. С. Горбачев:** иқтисодий ислоҳотимиз туфайли алоқалар бироз бузилганлигини айтганлигингиз яхши бўлди. Эндиликда сиз бюрократик ғовларни четлаб ўтиб, илмий ташкилотлар, корхоналар билан бевосита алоқа боғлай оласиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бирлашма фахрли меҳмонлари дафтарида ёзув қолдирди: у коллектив ютуқларига юқори баҳо бериб, унга ишлаб чиқаришда муваффақиятлар тилади.

«Искра» бирлашмасидан шаҳарга қайтиш чоғида марказий майдонлардан бирида тўхташга тўғри келди. Бу ерда тўхташ планлаштирилмаган эди. Майдонда минглаб шаҳарликлар тўпланган эдилар. Улар Бош секретарни табрикладилар, совет кишиларига ўзларининг энг яхши истакларини топширишни илтимос қилдилар, қайта қуриш фақат Совет Иттифоқига хизмат қилиб қолмай, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётганлиги ҳақида гапирдилар.

Одамлар Югославия раҳбарлари билан музокараларнинг якунлари қандай бўлганлигига қизиқиб, саволлар билан мурожаат қилдилар.

**М. С. Горбачев:** музокаралар жуда яхши бўлди. Биз алоқаларни янада кенгайтириш имкониятига эгамиз, табиийки, бу ҳар икки томоннинг манфаатларига мос келади. Сўнгра — энг муҳими: одамларимиз Югославия халқларига қандай муносабатда эканликларини биламиз. Яхши муносабат ҳамиша совет кишиси қалбида сақланиб қолади. Сизларнинг бизга қандай муносабатда эканликларингизни ҳам биламиз. Мен шу боисдан ҳам Совет Иттифоқининг, ҳам Югославиянинг раҳбарлари ўз халқларининг кайфиятларини ҳисобга олиб, ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришлари керак, деб ҳисоблайман. Музокаралар чоғида биз кўп нарсалар ҳақида келишиб олдик. Асрлар давомида, айниқса сўнгги ўн йилликларда тўпланган тажрибаларни сақлаб қолиш билан бирга уларни кўпайтириш ҳам керак.

Мен Люблянага, Словенияга келганимдан жуда хурсандман. Бу диёрда яшаётганлар яхши меҳнат қила олишларини биламан. Сизларга муваффақият, янги ютуқлар тилайман.

* * *

М. С. Горбачев шу куни Словения Социалистик Республикаси раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Словения Социалистик Республикаси Президиумининг Раиси Ф. Попит, Словения Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Раиси М. Кучан, республиканинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Совет Иттифоқининг бошқа расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет-Югославия муносабатларининг, шу жумладан Словения билан иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришнинг, Словениянинг Белоруссия билан бевосита республикалараро алоқаларининг баъзи масалалари хусусида фикрлашилди.

Словения Социалистик Республикаси Президиуми ва Словения Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг Президиуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шарафига зиёфат берди. Ф. Попит билан М. С. Горбачев зиёфатда қисқача нутқ сўзладилар.

М. С. Горбачев куннинг иккинчи ярмида Хорватия Социалистик Республикасидаги Дубровник шаҳрига келди.

Аэропортда совет раҳбари ва унинг рафиқасини Хорватия Социалистик Республикаси Президиумининг Раиси А. Маркович рафиқаси билан, Хорватия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси С. Стойчевич, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

А. БЕЛИКОВ,
В. КУЗНЕЦОВ,
Г. ШИШКИН.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мусобақани кучайтириш, мажбуриятлар қабул қилиш масалаларини меҳнат коллективларининг ўзлари ихтиёрийлик асосида, кенг ошкоралик вазиятида ҳал этишлари лозим.

Марказий Комитет Бюросида СССР давлат чет эл туризми комитети Тошкент бўлими ишидаги жиддий камчиликларнинг, бошланғич партия ташкилотида ва меҳнат коллективида вужудга келган носоғлом аҳволнинг сабаблари таҳлил этилди (ушбу масалага оид материаллар алоҳида эълон қилинади).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида А. Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Институт партия комитети мазкур қарорларни қониқарсиз бажараётганлиги қайд этиб ўтилди. Партия комитети (секретари ўртоқ А. А. Анцупов) сусткашлик ва расмиятчиликка йўл қўйди, қайта қуришнинг бош йўналишида — таълим-тарбия жараёнида дурустроқ ўзгартишларга эришмади, дарс бериш савияси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Энергетика факультети студентларининг салкам 90 проценти арифметика масалаларини еча олмади. Радиоэлектроника ва автоматика, саноат энергетикаси, механика-машинасозлик факультетлари студентларининг тенг ярми мактаб физикасидан контрол ишни уддалай олмади. Таълим жараёнидаги катта камчиликлар олий ўқув юртининг моддий базасидаги жиддий қолоқлик сабабли баттар кучаймоқда. Ўқув майдони билан таъминланиш даражаси белгиланган нормативга қараганда 2—4 баравар паст. Айни вақтда каттагина майдонлар хизмат кабинетларига бериб қўйилган.

Институтнинг филиалларида ва кечки-сиртқи бўлимида мутахассислар тайёрлаш, айниқса, қониқарсиз аҳволда.

Партия комитети комсомол ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини студентлар ўртасида ижодий вазиятни вужудга келтиришга йўналтирмаяпти. Студентларнинг атиги 2,5 проценти студент-конструкторлик бюроларининг аъзолари бўлиб, бор-йўғи 5,5 проценти хўжалик шартномаси асосидаги қидирув ишларида қатнашмоқда. Студентларнинг ўзини-ўзи бошқаруви юзаки жорий этилмоқда. Рус тилини ўрганишга етарлича эътибор берилмаяпти. Студентларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида жиддий камчиликлар бор.

Илмий педагог кадрлар билан ишлашда, олий мактаб турмушини демократиялашда партия комитети актив ва ҳужумкор позицияда турмади. Кадрларни юқорироқ лавозимга кўтариш чоғида кенг ошкоралик ва коллегиаллик таъминланмаган. Илм-фан самарадорлиги пасайиб кетмоқда, кафедраларнинг деярли ярми, шу жумладан, асосий соҳаларнинг кафедралари, профессор-ўқитувчилар составининг учдан икки қисми халқ хўжалиги, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда қатнашмаяптилар.

Институтда реал қайта қуриш амалга оширилмаганлиги собиқ ректор ўртоқ К. С. Аҳмедовнинг иш услуби ва методларидаги жиддий камчиликларнинг, партком ва унинг секретари ўртоқ А. А. Анцупов суст позицияда турганлигининг оқибатидир. Тошкент шаҳар ва Октябрь район партия комитетлари институтдаги ишларнинг аҳволини дуруст билмайдилар, таълим-тарбия жараёнига партиявий раҳбарликни амалга оширишда, кадрларни танлаш ҳамда жой-жойига қўйишда партком билан бошланғич партия ташкилотининг роли ҳамда масъулияти кучайтирилишини таъминламаяптилар.

Қабул қилинган қарорда Тошкент политехника институти партия комитетининг иши қониқарсиз, деб топилди. Партия комитети секретари ўртоқ А. А. Анцуповга институт коллективини мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга, КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми қарорларини амалга оширишга сафарбар этиш борасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни жиддий бўшаштириб юборганлиги кўрсатиб ўтилди.

Марказий Комитет Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетига, Октябрь район партия комитетига республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда олий ўқув юртларидаги қайта қуришнинг бориши устидан контролни кучайтиришни, Тошкент политехника институтини кадрлар билан мустаҳкамлашни, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун уларга нисбатан талабчанликни оширишни топширди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига политехника институтини келгусида ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Китобча нашр этилди

«Ўзбекистон» нашриётида «Революцион қайта қуришга—янгиланиш идеологияси» деган китобча ўзбек тилида чиқарилди. Китобчага М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети 1988 йил 18 февраль Пленумида сўзлаган нутқи, Пленум қарори киритилган. Китобча кўп нусхада босилди.

(ЎзТАГ).

# ТОШКЕНТДА СЕМИНАР

— Биз Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш бунинг учун яхши шароит яратади. Бизнинг фирмамиз СССРдаги алоқа тармоқларини ривожлантириш соҳасида биргаликда ишлаш тўғрисида Совет Иттифоқидаги касбдошларимиз билан музокара бошлади, — деди Америка телефон ва телеграф компанияси (AAT)-нинг Европа, Африка, Ҳиндистон ва Ўрта Шарқдаги бўлимлари директори Даниель Розен. У 16 март куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Ахборотни тармоқ усулида уюштириш ва етказиш» мавзуида ўтказилган семинар очилишида сўзга чиқди.

Уч кун давом этадиган семинарни Америка телефон ва телеграф компанияси «АҚШ ҳаётида информатика» кўргазмаси доирасида ташкил этган. Унда АҚШ бир қанча фирмалари ва илмий муассасаларининг мутахассислари телекоммуникацияларни коммерция фаолиятида қўлланиш ва унинг имкониятлари ҳақида, информатика воситаларидан ва компьютерлардан саноатда, қишлоқ хўжалигида, молиявий фаолиятда ва маорифда фойдаланиш ҳақида ахборот берадилар.

Семинар ишида Ўзбекистон саноат корхоналари, ҳисоблаш марказлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг намояндалари қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

# ХЎЖАЛИК ҲИСОБИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

«Алмаликсвинецстрой» трестидаги «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти ўтган йили охирида иқтисодий билимлар ва фан-техника тараққиётини пропаганда қилиш бўйича халқ университетини ташкил қилган эди. Ҳозир университетнинг 4 та факультети ишлаб турибди. Уларнинг тингловчилари хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича қизиқарли лекциялар тинглашяпти.

Трестнинг «Строитель» маданият саройида эса 5 та кинолекторий фаолият кўрсатмоқда. Қурувчилар бу ерда илмий атеизм, коммунистик тарбия, КПССнинг халқаро сиёсати ва бошқа мавзулар бўйича лекциялар тинглаб, кинофильмлар томоша қилмоқдалар.

А. КЕЛДИЕВА.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1987 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Қабул қилинган қарорда таъкидландики, мамлакат меҳнаткашлари партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини бажара бориб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга эришдилар. Туб иқтисодий ислоҳот изчиллиқ билан амалга ошириб борилди. Мамлакат саноати беш йиллик планда кўзда тутилган ўсиш — суръатларига эришди. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш тезлаштирилди, ёнилғи-энергетика ва металлургия комплексларининг иши яхшиланди, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан бир неча тадбирлар амалга оширилди. Агросаноат комплексида маҳсулот етиштириш кўпайди, қишлоқ хўжалиги, айниқса чорвачилик барқарор ривожлана бошлади. Кўп йиллардан бери биринчи марта маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жами ўсишига моддий соҳа тармоқларида ишлаётган ходимларнинг сонини кўпайтирмасдан эришилди. Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналишини кучайтириш йўли собитқадамлик билан ўтказилди. Уй-жой қурилиши миқёслари сезиларли даражада кенгайди, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми кўпайди, аҳолининг реал даромадлари ошди.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётидаги ижобий силжишлар жамият ҳаёти барча соҳаларини демократиялаштириш, совет кишиларининг меҳнатдаги активлиги ва сиёсий активлиги тобора ошиб бораётганининг, улар қайта қуришга ўз ҳиссаларини қўшишга интилаётганлигининг натижаси, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақа оммавий тус олганлигининг самарасидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1987 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, иқтисодий ва социал тараққиётда энг юксак натижаларга эришган, маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти давлат харидлари планларининг, ресурслар барча турларини иқтисод қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, уй-жойлар, касалхоналар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилиши топшириқларининг юз процент бажарилишини таъминлаган шаҳарлар, районлар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларни аниқлаб чиқдилар.

Шу билан бир қаторда кўпгина бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар, районлар, шаҳарлар, областлар, ўлкалар ва автоном республикалар 1987 йил ва беш йилликнинг икки йили планларини бажармадилар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда, социал-маданий объектларни фойдаланишга топширишда қолоқликка йўл қўйдилар. Қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш давомида меҳнаткашларнинг ижодий активлиги ошиб бораётган бўлса ҳам ҳозирча ундан етарлича фойдаланилаётгани йўқ, хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитлари, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятларидан чинакамига беллашув вазиятини яратиш учун суст фойдаланилмоқда.

Автоном республикалар, ўлкалар ва областлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси барча кўрсаткичларининг бажарилишини таъминламаганликларини ҳисобга олиб, уларга 1987 йилги мусобақа ғолиби унвони берилмайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни ғолиблар деб топиб, уларни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

# Социалистик мусобақа ғолиблари

**ЭВЕНКИЯ АВТОНОМ ОКРУГИ ШАҲАРЛАР**

РСФСРдан: Чечен-Ингушия АССРдаги Гудермес шаҳри, Чита областидаги Краснокаменск шаҳри, Кронштадт шаҳри, Калуга областидаги Обнинск шаҳри, Бурятия АССРдаги Северобайкальск шаҳри;

Украина ССРдан: Днепропетровск областидаги Желтие води шаҳри, Житомир областидаги Новоград-Волинский шаҳри, Севастополь шаҳри;

Белоруссия ССРдан: Гомель областидаги Мозирь шаҳри, Минск областидаги Слуцк шаҳри;

Қозоғистон ССРдан: Манғишлоқ областидаги Форт-Шевченко шаҳри;

Грузия ССРдан: Поти шаҳри.

**ШАҲАР РАЙОНЛАРИ**

Москва шаҳридаги Киров, Красногвардейский, Люблин, Свердлов, Совет районлари, Ленинград шаҳридаги Октябрь райони, Донецк шаҳридаги Ворошилов райони, Николаев шаҳридаги Заводский райони, Киев шаҳридаги Ленинград, Печёра районлари, Минск шаҳридаги Фрунзе райони.

**ҚИШЛОҚ РАЙОНЛАРИ**

РСФСРдан: Доғистон АССРдаги Ахти, Магарамкент районлари; Мордва АССРдаги Зубово-Поляна, Рузаевка районлари; Чувашистон АССРдаги Комсомол, Чебоксар, Ялчиқ районлари; Ёқутистон АССРдаги Вильюй, Мома районлари; Красноярск ўлкасидаги Новоселовское, Суҳобузимский районлари; Хакасия автоном областидаги Оржоникидзе райони; Приморье ўлкасидаги Чугуев райони; Ставрополь ўлкасидаги Предгорний райони; Қорачой-Черкасия автоном областидаги Адиге-Хабл райони; Яхудий автоном областидаги Октябрь райони; Амур областидаги Шимановск райони; Белгород областидаги Яковлево райони; Горький областидаги Арзамас, Лисковский, Шатки районлари; Камчатка областидаги Елизово, Мильково районлари; Кемерово областидаги Ленинск-Кузнецкий райони; Москва областидаги Люберецкий, Серебряние пруди районлари; Мурманск областидаги Ловозеро райони; Омск областидаги Большеречье райони; Орел областидаги Верховский, Хотинецкий районлари; Ростов областидаги Салск райони; Тамбов областидаги Кирсанов, Сампурский, Тамбов районлари.

Украина ССРдан: Закарпатье областидан Иршава, Перечин районлари; Қрим областидан Красногвардейский райони;

Белоруссия ССРдан: Брест областининг Ивацевичи, Пинск районлари; Витебск областидаги Докшици, Толочин районлари; Гомель областидаги Лельчици, Мозер районлари, Гродно областининг Гродно райони, Минск областининг Минск, Стародорожский районлари; Могилев областининг Климовичи райони;

Қозоғистон ССРдан: Қустанай областидаги Наурзум, Семиозерний районлари; Семипалатинск областидаги Абай райони; Толдиқўрғон областидаги Оқсув райони; Тўрғай областидаги Омонгелди райони;

Грузия ССРдан: Абашск, Богдановка, Каспс районлари;

Литва ССРдан: Кретинга, Скуодас, Шальчининка районлари.

Латвия ССРдан: Кулдига, Талси районлари;

Тожикистон ССРдан: Тоғли Бадахшон Автоном областидан Шуғнон райони;

Туркманистон ССРдан: Мари областидаги «Тахтабозор» райони;

Эстония ССРдан: Кингисепп райони.

Бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозлар, қурилишлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ҳамда бошқа ташкилотлар ва муассасалар, тармоқлараро илмий-техникавий комплексларнинг 1575 коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига мушарраф бўлдилар, жумладан 715 коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь ва 1988 йил февраль Пленумлари қарорларига амал қилиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қатнашчиларининг куч-ғайратларини 1988 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планини муваффақиятли бажаришни таъминлашга, бу йил ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган экономиканинг ўртача йиллик ўсиш суръатларидан ўзиб кетишга, бирлашмалар ва корхоналарнинг барқарор ва бир маромда ишлашини таъминлашга сафарбар этиш топширилди. Шу мақсадда мамлакатимизда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун авж олиб кетган ҳаракатдан кенг кўламда фойдаланилсин. Меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, меҳнатдаги беллашувнинг таъсирчанлигини, ишлаб чиқаришнинг барча участкалари бир текисда ривожланишга эришишдан меҳнат коллективларининг манфаатдорлигини оширишда хўжалик юритишнинг янги методлари имкониятларидан, хўжалик ҳисобининг ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан тўлароқ фойдаланилсин. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига таяниб, мусобақани меҳнаткашларнинг ўз ишига айлантирилсин, истеъмолчиларнинг юқори сифатли ва рақобатга қодир маҳсулотга бўлган эҳтиёжини кам ҳаражат билан тўлароқ қондириш мақсадида меҳнат коллективлари иқтисодий мусобақасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилсин, уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши планларининг сўзсиз бажарилишига эришилсин. Социалистик мусобақанинг социал ва тарбиявий роли оширилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолибларини қизғин табриклайдилар ва мамлакат меҳнаткашлари социал-иқтисодий тараққиёт йўлида янги қадам ташлайдилар, Ватанимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш учун ўз куч-ғайратлари ва билимларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган меҳнат коллективларининг рўйхати тармоқ, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

**КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:**

**1. Октябрь революцияси орденли Ўрта Осиё темир йўлининг коллективи.**

**2. Тошкент шаҳридаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи.**

**3. Тошкент шаҳридаги «Средазтрансстрой» трестининг коллективи.**

**4. Тошкент шаҳридаги «Ҳурмат белгиси» орденли «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи.**

**5. Тошкент шаҳридаги «Узэлектромонтаж» трестининг коллективи.**

**6. Пискент районидаги Й. Охунбобоев номли колхоз коллективи.**

**7. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ҳурмат белгиси» орденли Й. Охунбобоев номли колхоз коллективи.**

**8. Халқлар дўстлиги орденли Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи.**

**9. Тошкент шаҳридаги «Ҳурмат белгиси» орденли республика яйлов-мелиорация-қурилиш бирлашмасининг коллективи.**

**КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:**

**10. Қўрғонча посёлкасидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Балиқчи» балиқ саноати тажриба-кўргазмали ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи.**

**11. Оҳангарондаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексининг коллективи.**

**12. Тошкент шаҳридаги «Узагропромтехмонтаж» трестининг коллективи.**

**13. Тошкент парфюмерия-косметика фабрикасининг коллективи.**

**14. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига қарашли «Узтеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент шаҳридаги «Узкоммунтеплоэнергоремонт» ихтисослаштирилган ремонт бошқармасининг коллективи.**

## ИНСОН ВА ҚОНУН

# ҚАЛЛОБЛИК ЗАНЖИРИ

ХИЗМАТ вазифамиз шундай: ҳар бир жиноят ҳақидаги хабарни аниқлаш, оддий бир «хабар»ни «жиноий иш»га айлантириш, яъни, аслида бор жиноятни исботлаш учун ҳафталаб, ойлаб ишлашга тўғри келади. Кузатиш, кузатиш, кутиш, кутиш ва ниҳоят... ушлаш! Ушлагандан кейин эса ишнинг янада мураккаб ва қийин босқичи бошланади — исботлаш. Худди мана шу жараёнда бир-бирига уланган илгаклардан ташкил топган ўғирлик ва қаллоблик занжири оператив ходимни «етаклаб» кетаверади. Бу занжир гоҳ қисқа бўлади, гоҳида эса жуда узун. Яқинда Бекободда фош этилган «занжир» ҳам бирмунча узунлиги билан «диққатга сазовор».

Бекобод шаҳар умумий овқатланиш трестининг 3-КУСТи омборида гўшт ва арақ чайқов баҳосида сотилаётгани тўғрисидаги хабар ортидан бир неча кун кузатишга тўғри келди.

1988 йил 5 февраль. Омбор ишчиси Шоюсуф Тоғаев давлат номер белгиси «ЛБ» бўлган енгил машинадаги кишиларга — Ленинободдан келган харидорларга куппа-кундузи нақ омборнинг ўзида 100 килограмм гўшт сотди. Харидорлар, албатта, гўштни чайқов баҳосида олиб, уни бошқа жойда оширилган нархда сотишни мўлжалламаётган эдилар. Улар буни тўйга харид қилишяпти. Тўйга эса, албатта, спиртли ичимлик ҳам бўлгани дуруст. Лекин у қурғур ҳозир анқонинг уруғи бўлиб қолди-ку, гўштдан ҳам камёб. «Арақни қаердан топсак бўлади, биродар?» «Ўзимиздан-да, қариндош. Пулни бегона қилманг».

Тоғаев харидорларга 20 шиша «Русская водка»ни ҳам енг ичида пуллади — ҳар биттаси 15 сўмдан, жами 300 сўмга. Бироқ, у бунақа қинғир ишга кеча ё бугун қўл ураётганлардан эмас, бир чўқиб, икки қарайдиганлардан экан шекилли, арақни омборга йўлатмаган. У ўзининг «Москвич»ига ўтирди-да, бир хонадонга бориб... гараждан арақ олиб чиқди.

Шундай қилиб, Тоғаев ярим соатнинг ичида 100 килограмм гўштдан 298 сўм, 20 шиша арақдан 118 сўм нақд фойдани чўнтакка урди. Ана энди шу гўштни ейиши керак бўлган В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари 416 сўм пулни қанча муддатга ишлаб топишларини бир ўйлаб кўринг! 1700 даража иссиқ печлар қаршисида туриб кунига 6—7 соатлаб ишлайдиган пўлат эритувчи икки ой (!) пешона тери тўкиб шунча маош олади!

Биз бу таққосни «олисдан» опкелаётганимиз йўқ: Тоғаев қилмиши билан тўппа-тўғри мана шу пўлат эритувчи ишчининг ризқига чанг соляпти, уни чўмичда қоқяпти. У ҳар бир килограммини беш сўмдан пуллаган айнан ўша гўшт айнан мана шу заводнинг ишчилар ошхонасига берилиши керак эди. Энди гўшт ўрнига нима берилади? Пул берилади, вассалом. Ҳа, ошхонага гўшт ўрнига пул ўтказилади, ошхона у «гўшт»ни гўё овқат қилиб сотган бўлиб, «овқат»нинг пулини топширади.

Албатта, бу «занжир»да гўштнинг баҳоси 5 сўм эмас, балки, аслича — 2 сўмлигича ҳаракатланаверади.

Ҳозирча бу иккинчи занжирни қўятуриб, «ўзимизнинг» биринчи занжирга қайтайлик.

— Тоғаев, ярим соатда 416 сўмлик бўлиб олдингиз, бунақада... итингизнинг туваги олтиндан бўлиб кетади-ку! Бир металлургнинг икки ойлик маоши бу, биласизми?

— Б-б-биламан... Бироқ...

— Гапираверинг, бошқа иложингиз йўқ, гапирасиз. Бир ўзиммасман, демоқчисиз-да, а? Албатта, сиз бу ерда штат бўйича «ишчи» бўлсангиз, нима ҳақингиз бор омбордаги гўштни сотишга? Бунинг устига, бу ер магазин ҳам эмас, омбор, гўшт сотиш маън этилади.

— Рост айтасиз, мен... омбор мудири Шарофат опамнинг кўрсатмаси билан сотдим.

— Арақни ўзингизнинг уйингиздан олиб келдингизми?

— Йўқ, Музаффар Миртўлагановнинг гаражидан.

М. Миртўлаганов бош ошпаз бўлиб ишлар экан, омбор мудири Шарофат Тўрақулованинг таниши эмиш. Хўш, гаражга арақ қаердан келди, ким олиб келди? Гаражда эса фақат 20 шиша эмас, яна... 195 шиша арақ бор эди!

Тўрақулова мудирлик қилаётган омборда арақнинг номнишони бўлмаслиги керак, уни бу ерга келтириш ҳам, сотиш ҳам тақиқланган. Бироқ, газагини (гўштни) сотгандан кейин ичадиганини ҳам қўшиб бермасанг харидорнинг кўнгли чўкади-да, одамларнинг ҳожатини чиқариб хурсанд қилишга нима етсин! Бунинг устига, ўзингнинг ҳам ҳожатинг чиқиб, кўнглинг мўмай пулдан қаппайган чўнтагингдек кўтарилиб турса...

Арақ занжири: Тўрақулова 220 шиша арақнинг ҳар бирини 11 сўмдан Бекобод район тайёрлов идорасининг тайёрловчиси Қудратов Пардабойдан сотиб олибди. Ие, бу идора фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш билан шуғулланади-ку, Пардабойга арақ қаёқдан келиб қолсин? Ҳа, занжирнинг навбатдаги илгаги — Пардабойнинг акаси Пўлат Қудратов экан. Пўлат Бекобод харид базасининг озиқ-овқат маҳсулотлари омборининг мудири. Мазкур омборда арақ бўлиши мумкин, рухсат этилган, бироқ... сотиш тақиқланган. Омбордан магазин ва кафеларга тарқатилади, холос.

Пўлат Қудратов балки арақ занжирининг сўнгги ёки аксинча, бош халқасидир. Агар у ҳам арақни кимдандир сотиб олмаган бўлса...

Буларни энди тергов аниқлайди, сўнг суд охирги нуқтани қўяди. Ҳозирча эса, 100 килограмм гўшт 5 сўмдан, 20 шиша арақ 15 сўмдан сотилгани — факт. Ва биз бу фактни хабар қилишга ҳақлимиз, токи, бошқа гўштфуруш ва арақфурушлар кўзларини каттароқ очишсин!

Бу галги «қаҳрамонларимиз» билан яқиндан таништирсак: Шарофат Тўрақулова омбор мудири бўлиб ишлаётганига эндигина уч ой бўлган экан. Уч ойда шунчалик катта «тажриба» орттириш мумкинми? Бунга ўша соҳадаги мутахассислар «ҳа» ёки «йўқ», деб жавоб беришар, бироқ, бизга шу нарса маълумки, Ш. Тўрақулова бу ерда янги бўлгани билан бу соҳада эски — илгари «Фарҳод» ресторанида омбор мудири бўлиб ишлаган. Тоғаев-чи? Қизиғи шундаки, Тоғаев ҳам «Фарҳод» ресторани омборида ишлаган. «Яхши ишчи» бўлса кераккки, Шарофат бу ходимини янги жойга ҳам эргаштириб келибди.

Ахир, яхши ишчи бўлмаса, куппа-кундузи шунча гўшт ва шунча арақни омборнинг ўзида пуллаб юборишнинг уддасидан чиқармиди?! Ҳеч нарсадан тап тортмай-а?!

Қизиқ, бир кунда омборга келтирилган, ишчилар ошхонасига тарқатилиши лозим бўлган жами 140 килограмм гўштнинг 100 килограмми бирдан «гумдон» бўлса-ю, ишчи ва омбор мудири иккиси раҳбарларга нима важ кўрсатишади?

Ёки... занжир халқалари у ёққа қараб ҳам давом этадими?

Бу саволга тергов жавоб беради. Тергов давом этмоқда.

**А. АЛИМОВ,**
**область Ички ишлар бошқармаси районлараро БХСС бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари,**

**А. РУСТАМОВ,**
**БХСС бўлими катта оператив вакили.**

*Бозор ва эҳтиёж*

# ШАХСИЙ ГЎШТ РАСТАСИ




СУРАТЛАРДА: янги гўшт растаси.
М. Миржалолов фотоси.

ЯҚИН-яқингача бозорлардан аҳоли шахсий хўжаликларида етиштирилган чорва гўшти сотувчилар «қув-қув» қилинарди. Уларнинг ўрнини эгаллаган коопторг дўконларида эса мол гўштининг нархи 4,5 сўм, қўй гўшти 6 сўм белгиланди. Гўшт биринчи, иккинчи, учинчи сортларга ажратилмасдан ягона нарх билан савдо қилинмоқда. Натижада харидор ўзи хоҳлаган бўлак бир кило гўштга мажбурий равишда ярим килогача суяк ва чарви қўшиб сотиб олмоқда. Гўшт дўконида сотувчи-қассоб манфаати ҳукм сурмоқда. Бундай ҳол аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаяпти.

Шахсий хўжалик чорва эгалари билан харидорларнинг манфаатлари эса назардан четда қолиб келаётган эди. Айтингчи, агар юқорида эслатилган дўконда гўшт рисоладагидек сотилса, бир кило гўштни 6 сўм ўрнига «қўл»дан 9 сўмга олиш кимга зарур келибди? Гап шундаки, қассоб-сотувчи бақрайиб туриб, гўштга ўраб берадиган оппоқ алоҳида суякларни ҳисоблаганда дўкондаги 6 сўмлик гўшт қиймати «қўл»даги 9 сўмликдан ортиб кетади. Шахсий сотувчилар эса қувғин қилинади...

Аҳоли шахсий хўжаликларида чорвани ривожлантириш имкониятлари чекланган: ем-хашак етишмайди. Озуқа муаммосини ҳал қилмай туриб, шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш мумкин эмас, албатта. Модомики шундай экан, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриб, чора-тадбир кўрилмаса, ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди.

Авваллари бозоримизда сут, қатиқ, сариёғ, пишлоқ, сузма тўлиб ётарди. Ҳозирги вақтда сут маҳсулотлари сотиладиган пештахталар бир-икки соатдан сўнг хувиллаб қоляпти.

Ёзилмаган қонун бор: бозорга маҳсулот қанча кўп кирса, шунча арзон бўлади. Бу янги гап эмас. Бозорга маҳсулотнинг кўпроқ келтирилиши кўп жиҳатдан бу ерда яратилган шарт-шароитга ҳам боғлиқдир.

Бозоримиз пештахталарида кўкат, ҳўл мевалардан тортиб сабзавот, полиз маҳсулотларигача, гурунч, дон-дунлардан тортиб, ҳар хил ёпилган тандир нонларигача савдо қилинмоқда. Аммо буларнинг орасида ўз шахсий хўжалигида чорва гўшти етиштирган кишиларгина ўз маҳсулотларини бозор пештахталарида туриб, савдо қилолмайдилар. Хўш, нима учун? Бундай аҳволга бизнинг эскича фикр юритишимиз, бюрократларча қабул қилинган маҳаллий қарорлар сабаб бўлди, албатта.

Биз бу муаммони ҳал қилиш учун шахсий секторда етиштирилган гўшт маҳсулотларини сотишга бозорнинг энг гавжум еридан алоҳида майдонча ажратиб, бирйўла 100 киши савдо қилиш имкониятига эга бўлган соябонли расталар ўрнатдик. Бу янгилик ҳаммага маъқул бўлмоқда. Қўй гўшти, мол гўшти, қази-қарта, каллапоча, ҳасип ва ичакларни савдо қилиш энди тартибли йўлга қўйилди. Шу билан бирга, маъмурий органлар томонидан чеклашлар бекор қилинди.

Бизнинг асосий мақсадимиз дўкон ва шахсий савдо рақобати орқали гўштнинг сифатини яхшилаш, нархини пасайтириш ва шу билан аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдир. Бу эса ҳозирги куннинг талаби.

**Р. МУРОДХОНОВ,**
**Октябрь колхоз бозорининг директори.**

*Шаҳар мавзуида*

# ОСМА СОАТЛАР ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

ТОШКЕНТ зилзиласидан аввалги йиллар серқатнов кўчалар, хиёбонларнинг турли бурчакларида осма электр соатлар бўларди. Уларга қараб завод-фабрикаларга, ўқишга шошилардик. Ҳозир шаҳарда умуман катта соатлар йўқ бўлиб кетган, ҳисоб. Фақат йирик корхона, ташкилотлар бинолари пештоқларидагина бор. Лекин шаҳар кўчаларига ўша арзон, оддий, қулай электр соатлар керак. Қолаверса, у шаҳарга кўрк ҳам беради. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида аввалги анъанани тиклаб, осма соатларни ташкил этса хайрли иш бўлур эди.

**Ч. МАҲСУМОВ,**
**уруш ва меҳнат ветерани.**

# ● ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ●

## Душанба

### 21 март

**✦ МТ-I**

7.00 120 минут. 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Сибирлик аёл. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 11.45 ва 15.55 Янгиликлар. 16.05 Қайта қуриш прожектори. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.45 Агидель рақсга тушади. 17.10 Ҳужжатли фильм. 17.40 Қувноқ стартлар. 18.25 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19,10 Футбол шарҳи. 19.40 Мақола. Фильм-спектакль премьераси. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Мақола. Фильм-спектаклнинг давоми. 23.50 Дунё воқеалари. 24.00 Фильм-концерт.

**✦ МТ-II**

9.00 Гимнастика. Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05, 12.05 Итальян тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишиш. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.55 Чўққилар зийрак. Телевизион бадиий фильм. 14.20 Советский патриот. Киножурнал. 14.30 Янгиликлар. 14.40 Министр бўлмоқчиман. Бадиий фильм. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Халқаро панорама. 19.30 Музикали киоск. 20.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 «Портрет вариациялари билан» 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. МАСК — «Динамо» (Москва).

**✦ ЎзТВ**

16.45 Болалар учун фильм. 17.15 Телефильм. 17.30 Табиатшунослик. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. Колокольчик. 19.00 Бошланғич партия ташкилотининг тажриба ва муаммолари. 19.30 Ахборот. 19.45 Ёшлик. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Салом — «Баҳор». Музикали адабий композиция. 23.15 Бугун оламда нима гап?

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 Ҳужжатли фильм. 20.35 Биз қандай дам оляпмиз. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Сешанба

### 22 март

**✦ МТ-I**

7.00 120 минут. 9.05 Қувноқ стартлар. 9.50 Мақола. Фильм-спектакль. (11.40) Янгиликлар. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Чечен-Ингушия телевидениесининг программаси. 17.20 Концерт. 17.55 Киноафиша. 18.25 Халқ ижодиёти. Телекўрсатув. 18.55 Дунё воқеалари. 19.15 Ҳужжатли фильм премьераси. 19.50 Кинорежиссёр С. Н. Колосов билан учрашув. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт. 22.30 Резонанс. 24.00 Халқ куйлари. 00.15 Дунё воқеалари.

**✦ МТ-II**

9.00 Гимнастика. Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 География. 12.05 Француз тили. 13.05 Мана шунақа гаплар. Телевизион бадиий фильм. 14.45 Янгиликлар. 14.55 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 Халқ куйлари Бутунроссия декадаси. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. Спартак» — «Крилья Советов». 23.45 Янгиликлар.

**✦ ЎзТВ**

16.45 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.15 Телефильм. 17.25 Болалар учун. Онажонлар байрами. 18.00 Илмий-оммабоп программа. 18.30 Ёшлик. 19.30 Ахборот. 19.45 Унутилмас сатрлар. 20.30 Ахборот. 20.50 Унутилмас сатрлар (давоми). 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.40 Бузулук дарахтзори. Телефильм. 19.50 Кочубей. Бадиий фильм. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## Чоршанба

### 23 март

**✦ МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Киножурнал. 9.25 Ҳайвонот оламида. 10.25 ГДРда Япония ёш музикачиларининг чиқишлари. 11.00 Киноафиша. 11.30 Халқ ижодиёти. 12.00, 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Концерт. 16.50 Каникуллар, каникуллар. 17.50 Ҳужжатли фильм. 18.50 Дунё воқеалари. 19.10 Шингил ҳикоялар антологияси. 19.40 Фильм-концерт. 20.00 Юбилейни қўятурайлик. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Халқ куйлари Бутунроссия декадаси. 23.50 Футбол. ГДР—СССР.

**✦ МТ-II**

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.35 Музика. 10.05 Немис тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Немис тили. 13.05 Ҳужжатли фильмлар. 13.45 Янгиликлар. 13.55 Бу фантастик олам. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Жанговар шон-шуҳрат майдони. 18.55 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 19.40 Реклама. 19.45 Ритмик гимнастика. 20.15 Қишлоқда бир кеча-кундуз. 20.25 Ҳаракат хавфсизлиги. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 РСФСР халқ артисти Э. Пьеха ҳақида фильм-концерт. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Ҳужжатли фильм. 22.30 Футбол. Греция — СССР. 23.15 Иллюзион. Қирқ биринчи. Бадиий фильм. 01.00 Тонгги почта. 01.30 Янгиликлар.

**✦ ЎзТВ**

16.45 Болалар учун фильм. 18.05 Жаҳон метеорология кунига. 18.25 Регби. «Звезда» (Тошкент) — «Радуга» (Таганрог). 19.00 Инсон боланикдан бошланади. 19.30 Ахборот. 19.45 Телефильм. 20.00 Социалистик қонунчилик ва демократия. 20.30 Ахборот. 20.50 Инқилоб куйчиси. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Бадиий фильм. 23.35 Бугун оламда нима гап?

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.40 Жазирама қуёш остидаги уй. Бадиий фильм. 21.00 Рус тили менинг тақдиримда. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Пайшанба

### 24 март

**✦ МТ-I**

7.00 120 минут. 9.05 Е. Светланов. «Қишлоқ кеча-кундузлари». 9.15 Футбол. Греция — СССР. 10.00 Ҳужжатли фильм. 10.30 Фигурали учиш. 11.45 Футбол. ГДР ва СССР терма командалари. 12.30 Янгиликлар. 12.40 Юбилейни қўятурамиз. Бадиий фильм. 15.50 Янгиликлар. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.20 Болалар учун фильм. 17.25 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.10 Инсон ва қонун. 18.40 Дунё воқеалари. 19.00 Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт. 21.30 Время. 22.05 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 23.20 Дунё воқеалари.

**✦ МТ-II**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Халқ куйлари. 9.35 Илмий-оммабоп фильм. 10.35 Испан тили. 11.05 Лопотухинга ишонадиган бўлсак. 1-серия. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.40 Испан тили. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.30 Концерт. 14.00 Янгиликлар. 14.10 Бу фантастик олам. И. Ефремов ва Р. Жонус асарлари асосида. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.45 Навбат сизга, артист А. Акопян. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.05 Музика — сенинг қалбинг, Россия. Концерт. 00.25 Янгиликлар.

**✦ ЎзТВ**

16.45 Болалар учун фильм. 18.00 Ўзбекистонда Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар китоблари ҳафталиги. 19.00 Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Зариповлар цирк сулоласи. 20.30 Ахборот. 20.50 Театр: изланишлар, муаммолар. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Оилавий сирлар. Бадиий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.40 М. Бобоев. Она қалби. Теленовелла. 20.30 Телефильм. 20.50 Реклама. 21.00 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 Время. 22.15 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## Жума

### 25 март

**✦ МТ-I**

7.00 120 минут. 9.05 Инсон ва қонун. 9.35 Фигурали учиш. 10.50 Ҳужжатли фильм премьераси. 11.00 Янгиликлар. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Карик ва Валянинг ғаройиб саргузаштлари. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.25 Киноочерк. 18.55 Концерт. 19.10 Дунё воқеалари. 19.30 Фалсафий суҳбатлар. 20.15 Фигурали учиш. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт. 22.40 Интерсигнал. 23.10 Нигоҳ. Тунги информацион-музикали программа.

**✦ МТ-II**

9.00 Гимнастика. 9.15 Концерт. 9.35 Илмий-оммабоп фильм. 10.35 Инглиз тили. 11.05 Болалар учун фильм. Лопотухинга ишонадиган бўлсак. 2-серия. 12.10 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.40 Инглиз тили. 13.10 Осмон оёғимиз остида. Бадиий фильм. 14.25 Янгиликлар. 14.35 Бу фантастик олам. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Ёзги вақтга ўтиш ҳақида. 18.55 Ҳайвонот оламида. 19.55 Реклама. 20.00 Афғон тупроғидаги учрашувлар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Шеърият лаҳзалари. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Инсон ва унинг номи. Бадиий фильм.

**✦ ЎзТВ**

12.00 Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар музикаси Бутуниттифоқ ҳафталиги ва республика «Санъат байрами» кўрик-конкурсининг очилиши. 16.45 Болалар учун фильм. Петров ва Васечкинларнинг оддий, ғаройиб саргузаштлари. 2-серия. 18.05 Болалар учун фильм-концерт. 18.40 Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 19.10 Комсомол прожектори. 19.20 Мультфильм. 19.30 Ахборот. 19.45 Машинасозликда фан-техника тараққиёти. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хотира кунига. СССР халқ артисти Шукур Бурхонов.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.45 Разведкачилар. Бадиий фильм. 21.00 Телефильм. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Шанба

### 26 март

**✦ МТ-I**

7.00 120 минут. 9.00 О. Денисенко ижросида қадимий романслар. 9.20 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.25 СССРда Ҳиндистон фестивали. 12.35 Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 13.05 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.50 Ҳайвонот оламида. 14.50 Дунё воқеалари. 15.10 Ишонмоқ ва билмоқ. Телевизион бадиий фильм. 16.30 Ёзги вақтга ўтиш ҳақида. 16.40 Останкино концерт студиясида СССР ФА Экономика институтининг директори, академик Л. И. Абалкин билан учрашув. 18.25 Хотира. Музикали программа. 19.00 «9-студия». 20.00 Мультфильмлар. 20.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Кинопанорама. 23.45 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

**✦ МТ-II**

8.30 Гимнастика. 8.45 Истиқбол. 9.35 Телевизион театр абонементи. Н. В. Гоголь. Ревизор. 10.25 Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 10.40 «Здоровье». 11.25 Дунё ва сиёсат. 12.00 Умринг боқий бўлсин, Ер! 13.00 Илмий-оммабоп фильмлар. 14.05 Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.05 Камалак. 15.35 Бу фантастик олам. 16.30 Е. Образцова куйлайди. 17.00 Муҳаббат чўриси. Бадиий фильм. 18.30 Мультфильмлар. 19.00 Қадрдон ўлка тароналари. 19.15 Осмон оёғимиз остида. Бадиий фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 Ҳужжатли фильмлар экрани. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Инженерлик корпуси. 23.45 Эстафета. 01.15 Янгиликлар.

**✦ ЎзТВ**

8.00 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 9.30 Ҳужжатли фильмлар. 10.30 Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ташкил топганлигининг 70 йиллигига. 11.00 Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.00 Ўзбекистон спорти. 12.30 Пахтамиз оппоқ эди. Спектакль. 14.00 Китоб дўстлари. 14.40 Ёшлик. 15.25 Халқаро X Тошкент кинофестивали олдидан. 16.25 Мультфильм. 16.40 «Замандас». 17.45 «Тенгдошлар». 18.30 Телефильм. 18.45 «Ёдгорлик» туркумидан. Х. Йўлдошев. 19.30 Ахборот. 19.45 Хат ва ҳаёт 20.30 Ахборот. 20.50 Хотира кунига. «Хотира». СССР халқ артисти М. Турғунбоева. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Халқаро театр кунига.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

14.35 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Якшанба

### 27 март

**✦ МТ-I**

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Киножурнал. 9.45 Спортлото тиражи. 10.00 Будильник. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.30 Здоровье. 15.15 Ҳужжатли фильм премьераси. 15.25 Фигурали учиш. 16.30 Ералаш. Болалар ҳажвий журнали. 16.40 Сиз бунга қодирсиз. 17.25 Камалак. 17.40 Шеърият лаҳзалари. 17.45 Ердаги ҳаёт. Телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия. 18.40 Халқаро панорама. 19.25 Агар мен дадамнинг ўрнида бўлсам. Мультфильм премьераси. 19.45 «Клим — Самгин». Бадиий фильми ҳақида. 19.55 Халқаро театр куни. 21.30 Время. 22.05 Футбол. «Динамо» (Киев) — «Спартак». 24.00 Концерт. 01.00 Янгиликлар.

**✦ МТ-II**

8.30 Зарядкага сафланинг. Тафаккур программаси. 8.45 Онамларнинг мактаби. 9.20 Илмий-оммабоп фильм. 10.20 Портретлар. 11.25 Рус тили. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Фан: назария, тажриба, практика. 13.30 Илмий-оммабоп фильм премьераси. 14.30 Прагада халқаро театр куни. 16.50 Стол тенниси. 17.35 Телевизион музикали абонементи. 18.35 Стол тенниси. 19.00 Фан ва техника. Киножурнал. 19.10 Фильм-концерт. 19.40 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Спорт гимнастикаси. 21.30 Время. 22.05 Бир-биримизни тополсак. Бадиий фильм.

**✦ ЎзТВ**

**ХОТИРА КУНИ**

8.30 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 10.00 Ҳужжатли фильм. 10.30 Биргаликда куйлаймиз. 10.50 Хотира куни. 11.20 Сизлар учун учрашувлар. 12.00 Инсон ва табиат. 12.30 Телефильм. 13.00 Дўстлик экрани. 14.00 Мактаб ўқувчилари учун. Светофор. 15.00 Наташахоним. Бадиий фильм. 16.25 Спорт шарҳи. 17.15 Реклама. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. Санъат ғунчалари. 18.10 «Ўзбекфильм»-87. Йил якунлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Музикали телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Ҳаёт излари. 21.30 Время. 22.05 Музикали программа. 23.05 Телефильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

18.25 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

● ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ●

## • ДАВР ВА САНЪАТКОР

**Режиссёр Темур Малик Юнусов Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатгач, 1980—82 йилларда Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат Кинематография институти қошидаги олий режиссёрлик курсида таълим олди. Унинг диплом иши — «Галатепалик авлиё» (М. Муҳаммад Дўст ҳикоялари асосида) бадиий фильми 1982 йили экранларга чиқарилди. Яқинда режиссёр ўзининг янги асари — «Марҳумнинг ҳурмати» сатирик комедиясини суратга олди.**

**Бизнинг Т. Юнусов билан суҳбатимиз ана шу картина хусусида бошланди.**

# ИЖОД ИШТИЁҚИ



**— Темур Малик ака, мана яқинда янги бадиий картинангизни суратга олдингиз. Аммо сиз дастлаб кино санъатига актёр сифатида кириб келгансиз. Айтинг-чи, нима сабабдан ижодингиздаги ана шу йўналишни ривожлантирмай, кўпинча эпизодик роллар билан чекланяпсиз?**

— Тўғри, биринчи марта кинода режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг «Бешовлон Фарғонадан» фильмидаги Раҳмат ролида чиққан эдим. Бу қаҳрамон кўпчиликка манзур бўлганди. Кейинчалик Й. Аъзамов «Ўтган кунлар»даги Худоёрхон ролига таклиф этди. Мен яратган бу образ ҳам томошабинларга манзур бўлди. Сўнгра таниқли режиссёр Элдор Рязановнинг «Икки кишилик вокзал» («Мосфильм» киностудияси) картинасида ҳам суратга тушдим. Хуллас, бир қанча эпизодик роллар бажардим. Аммо эзгу мақсадим, катта орзуим — режиссёрлик эди. Сабаби, меҳнаткаш халқимиз ҳаёти ҳақида салмоқли экран асарлари яратгим келади. Бу борада мен Йўлдош Аъзамовни биринчи устозим деб биламан.

**— Республика радиоси ҳамда ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида олиб бораётган ишларингиз асосий мақсадингизни амалга оширишга ҳалал бермайдими?**

— Аксинча, радиода «Ғазал бўстони» туркум эшиттиришида Навоий, Бобур, Машраб сингари улуғ шоирларимизнинг ғазалларини ифодали ўқибгина қолмай, уларни чуқурроқ тушунишга ҳам ҳаракат қиламан. Бу режиссёрлик ишларимда ёрдам беради. Жумладан, биз шоир Абдулла Орипов билан бирга А. Навоий ижодига бағишланган «Хамса» ҳужжатли фильмини суратга олдик. Кўриб турганингиздек, бу ишлар бир-бирини тўлдиради. 1987 йили эса атоқли мусаввир А. Н. Волков ижоди ҳақида «Қуёш ўлкасининг ўғлони» номли ҳужжатли фильм ишладим. Ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарини яхши билган бу рассом ўз ижодида юртимиз табиатининг ажойиб манзараларини, матонатли меҳнаткашлар ҳаётини тасвирлаган. Республикамиз тасвирий санъати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган А. Н. Волков ҳақида фильм яратганимдан фахрланаман.

**— Темур Малик ака, янги бадиий картинангиз нима ҳақда? Унда жамиятимизнинг бугунги муаммоларига ҳамоҳанглик борми?**

— «Марҳумнинг ҳурмати» картинасида афсуски ҳали ҳам учраб турадиган лаёқатсиз раҳбарлар танқид қилинади. Калтафаҳм кишилар кўпчиликка етакчилик қилган жойда юксак ғоялар ва фойдали ташаббуслар ўз қимматини йўқотади. Улар қуруқдан-қуруқ шиорлар ва кўр-кўрона буйруқларга амал қилувчи кимсалардир. Албатта, бу манқурт тоифасидаги раҳбарлар ўз фойдаси ва тинчини кўзлайдиган муте зотларга ҳам паноҳ бўладилар. Биз фильмда оддий бир ишхона бошлиқлари тимсолида ҳозирги қайта қуриш даврига ҳам усталик билан мослашиб олаётган баъзи раҳбарларнинг қиёфасини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Фильм сценарийси ёзувчи Саъдулла Сиёев қаламига мансуб. Фильмдаги автобаза директори Салим Жўраевич ролини таниқли комик актёр Ҳусан Шарипов талқин этди. Бошқа етакчи ролларни Ҳожиакбар Нурматов, Ҳайрулла Саъдиев каби актёрлар яратишди. Картина март-апрель ойларида «Галатепалик авлиё» фильми билан бирга республикамиз экранларига чиқарилиши кутилаяпти. Унинг ҳозир ўзбекча нусхаси тайёр, энди рус тилидаги варианти устида ишлаяпмиз.

**— Сизни санъаткор-гражданин сифатида қандай муаммолар кўпроқ ташвишлантиради?**

— Ҳозир барча совет кишилари қаторида санъаткорларнинг кўпчилигини экологик муаммолар жиддий ўйлантираяпти. Бугунга келиб республикамизда ҳам бу соҳадаги катта камчиликлар ҳақида жуда кўп гапирилаяпти. Хусусан, Орол денгизининг ачинарли аҳволга тушиб қолишида кўпгина раҳбарларнинг масъулиятсизлиги; ўз мансабини суиистеъмол қилиши оқибатида содир бўлган жиноятларнинг барча-барчаси бир-бири билан боғланиб кетган. Ана шулар ҳақида «Марҳумнинг ҳурмати» сатирик комедияси сингари камчиликларни фош этувчи характердаги бошқа картиналар ҳам яратиш ниятларим бор.

Булардан ташқари, ўзбек классик адабиёти — улуғ маънолар хазинасидир. Жумладан, Навоийнинг «Хамса»си асосида ўнлаб кинофильмлар яратиш мумкин. Айниқса, «Садди Искандарий» достонининг ўзиёқ бир неча фильмларга пойдевор бўла олади. Шунингдек Ғафур Ғулом прозасида ҳам халқ тарихи ёрқин бўёқларда чизилган. Гарчи «Ўзбекфильм»да адиб асарлари асосида «Шум бола» ва «Амирнинг ҳуфия саёҳати» фильмлари яратилган бўлса-да, бу унинг асарларига мурожаат қилишнинг ибтидоси, холос.

Радиодаги ижодий ишларимни ҳам давом эттириб, Навоий ғазаллари ва достонлари асосида адабий композициялар яратиш иштиёқидаман...

**Суҳбатни Ҳумоюн АКБАРОВ олиб борди.**

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ.

## ҲАР ТЎҒРИДА



Картошка.

Х. Мирзакаримов фотоси.

### КУТИЛМАГАН СОВҒА

● НЪЮ-ЙОРК. Америкадаги Канзас-Сити шаҳри (Миссури штати) районидаги тош йўлга 15 минг литрдан кўп суюқ шоколад тўкилди. Шу ширин юк тўлғазилган автоцистерна ағанаб кетди ва унинг ҳайдовчиси енгил яраланди. Маҳаллий аҳоли учун бу воқеа кутилмаган совға бўлди. Челак ва пластик халталар кўтарган одамлар тезда етиб келишди. Йўл транспорт хизматининг ишчиларигина бундан хурсанд бўлишмади. Улар дам олиш куни анча тер тўкишларига тўғри келди. Улар йўлни тозалаш учун қор курайдиган машинадан фойдаланишга мажбур бўлдилар.

### 20 КИЛОМЕТРЛИ КЎПРИК

● БРЮССЕЛЪ. Бу ердаги қурилиш фирмаларидан бири Бельгиядаги Гент шаҳрининг хушманзара каналлари узра электрлаштирилган осма монорельс йўл қуриш лойиҳасини ишлаб чиқди. Йўлнинг узунлиги 20 километрга боради ва осма вагонлар соатига 40 километр тезликда юради. Қурилиш 4 миллиард Бельгия франкига тушади. Бу илгари рад этилган ер усти метроси лойиҳасига нисбатан 15 баравар арзондир.

### ҒАЛАТИ НИКОҲ КЎЙЛАГИ

● ЛИССАБОН. Португалиядаги тўқимачилик фабрикаларидан бири ғалати бир буюртма олди. У 2200 метр газлама кетадиган никоҳ кўйлаги тикиб бериши лозим. Кўйлак уқаларининг ўзигина 150 килограммга боради. Зангори тусдаги бу либос Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкалига аталган бўлиб, у 1992 йилда Христофор Колумб билан рамзий никоҳдан ўтиши лозим. Америка очилганлигининг яқинда нишонланадиган 500 йиллиги муносабати билан АҚШ ва Испания томоша бизнесининг кордонлари ана шу дабдабали никоҳ маросимини ўйлаб топдилар.

(ТАСС).

## СПОРТ

### ФУТБОЛ

✦ БИРИНЧИ лига командалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат кубоги мусобақаларининг иккинчи турида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Абовяннинг «Котайк» коллективи билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни И. Шквирин (54 ва 63 минутларда) киритди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: МАСК — «Помир» — 0:0, «Гурия» — «Колос» — 4:2.

### ШАХМАТ

✦ АЁЛЛАР ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон 46 чемпионати давом этмоқда. Беш турдан сўнг тўрт очко тўплаган тошкентлик спорт мастерлигига номзод О. Ким ҳамда Р. Мамедовалар пешқадамлик қилишмоқда.

* * *

Округ офицерлар уйида шахмат бўйича аёллар ўртасида ўтказилган пойтахт чемпионати ниҳоясига етди. Унда 14 имкониятдан 13 очко жамғарган 1 разрядли Наташа Петрова илк бор шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритди.

## Тафаккур гулшани

● Меҳнат қилсанг агар ҳамиша ҳалол,
Бошингга қўнади бахт ила иқбол.

● Муҳтож одамга беғараз ёрдамлашиш олижанобликдир.

● Жаҳолат ва ўжарлик — бахтсизлик белгиси.

● Ошиқлар мол-дунёга ҳирс қўймайдилар.

● Яхшиларнинг ёқимли нигоҳи кўнгилларга қувонч бағишлайди.

● Инсон учун қадр-қиммат ҳар қандай бойликдан афзал.

● Қадри борнинг ҳурмати бор.

● Бахт — қуш эмас, у тузоққа илинмайди.

Р. БОБОЖОНОВ тайёрлаган.

ҲАЖВ БУРЧАГИ

## ТАРАФКАШЛАР

Фалончининг ютуғи
Ёқар қорни тўқларга.
Агар ғолиб чиқса у,
Отишади кўкларга.
Унга ўша соатдан
Ой ҳам, кун ҳам боқади.
Мукофоту мақтовлар
Селга ўхшаб оқади.
Ҳатто саёқ ит ҳурса,
Дейди унга тарафлар:
«Фалончининг ютуғин,
Кўринг, ит ҳам шарафлар».
Бугун мағлуб фалончи,
Ғолиб чиқди ҳақиқат.
Энди ўша шўрликлар
Ёзар узун чғво хат.

Асрор МЎМИНОВ.

## РАССОМ ХАНДАСИ



— Қоқ пешонасидан отдим-да, қойил...

А. Алимов чизган расмлар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издается на узбекском языке
Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р — 08613 Индекс: 64684. А. 1565. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12